*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 6 октябрь ШАНБА

№ 80 (12.508)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ИЖОДКОРЛАР ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

## НИЯТЛАР УШАЛГАН КУН

**Ўзбек даласининг табиати худди танти деҳқоннинг феълига ўхшаш сахий. Ана, қуёш уфққа бош қўйиб, атрофга оқшом чўкиб улгурмасидан, осмоннинг нақ тепасида олтинранг ой юз кўрсатиб, "ҳорманглар" дегандай, замин узра оппоқ ёғдуларини соча бошлади. Бу ҳар бир кунни ғанимат билиб, теримни авжига чиқараётган пахтакор деҳқонлар учун хайрли.**

Бир гуруҳ ижодкорларни жам қилган "Дамас" автомашинаси икки чети тутзордан иборат йўл бўйлаб Бўка туманининг "Жамбил" фермерлар уюшмаси томон бормоқда. Оқшом қуюқлашиб борган сари атрофдаги пахта далалари янада чексиз-чегарасиздек, салобатли кўринади. Ҳар жой-ҳар жойдаги оппоқ пахтага тўла трактор тиркамалари бугунги терим анча унумли бўлганидан далолат бериб турибди.

– Қишлоқ одамлари барибир бошқача-да, – деди боядан бери далаларни жимгина кузатиб келаётган ҳамроҳимиз – журналист Меҳрож Дархонов. – Қаранг, бирорта ғўза қаторида бегона ўт йўқ. Чаноқдаги бўлиқ пахталар худди қаймоқдай косасидан тўкилай деб турибди. Оддий тупроқда шундай беқиёс неъматни яратгунча деҳқонлар қанча тер тўкканини тасаввур қилиш қийин эмас. Э, қойил-э...

Меҳрожнинг ҳаяжони бошқаларга ҳам кўчди. Вилоят пахтакорларининг бу йилги шиддати, етиштирилган мўл ҳосил ҳақида ўзаро суҳбатлашиб, манзилга яқинлашганимизни сезмай ҳам қолибмиз. Шу пайт олдинги ўриндиқда ўтирган Фарида кўзлари чақнаб, болаларча беғуборлик билан чапак чалиб юборди:

– Чап томондаги далани кўраяпсизларми? Бу дала эмас, худди рассом улкан қилиб чизиб қўйган санъат асарининг ўзгинаси-я!

Барчамиз у ишора қилган томонга қарадик. Дарҳақиқат, алоҳида меҳр билан парвариш қилинган ғўзалар худди бир сафга тизилган аскарлардай текис, пахтаси мўл ва бўлиқ. Машинани тўхтатиб, шу атрофдан ўтиб бораётган теримчилардан "Бу кимнинг даласи?" деб сўрадик.

– Саидислом фермерники, – деди ҳамроҳларига гап бермай келаётган йигитча. – Сал нарида шийпони бор. Ҳов, ана, машинаси турибди. Ўзлариям шу ерда шекилли...

Режамиздаги маданий-маърифий тадбирнинг бошланишига ҳали бироз вақт борлиги сабабли фермер билан танишиш учун дала шийпонига кириб ўтишга қарор қилдик.

Тумандаги "Хўжақўрғон" фермерлар уюшмаси ҳудудида фаолият юритаётган "Ёқутхон" фермер хўжалиги раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Саидислом Сайдуллаев биз кўрган 71 гектар майдондаги пахтазорда уруғлик пахта етиштирилаётгани, бу йилги 238 тонналик шартнома режасини 250 тоннадан ошириб бажариш имконияти мавжудлиги ҳақида гапириб берди. Дала шийпонида ишчилар учун яратилган шарт-шароитлар, ҳовли саҳнидаги бетакрор гулзор, ҳосилга кирган боғ ва сабзавот майдони бу ерда ўз ишини пухта биладиган миришкор инсонлар меҳнат қилишини англатиб турарди.

– Туманимиз аҳли адабиёт ва санъатни ниҳоятда қадрлайдиган шинаванда халқ, – деди С. Сайдалиев. – Устоз шоир Абдулла Орипов "Биринчи муҳаббатим" шеърини айнан бизнинг туманимиз далаларида бўлганларида ёзган эканлар. Бир учрашувда у кишининг ўзлари шундай деб айтгандилар. Бу ер оддий пахтазор бўлсаям, машҳур кишиларнинг қадамлари кўп теккан... Сизларнинг келишингизни эшитиб, теримчилар ҳам илҳақ бўлиб кутишаётган бўлса керак. Юринглар, сизларни ўзим бошлаб бораман...

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: фермер Саидислом Сайдуллаев.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## С. АБДУЛЛАЕВНИ ЗАНГИОТА ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокими лавозимига Абдуллаев Содиқ Сабитович 2012 йил 3 октябрдан тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 3 октябрь.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЗАНГИОТА ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.**

Сессия Тошкент вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келган Абдуллев Содиқ Сабитовични Зангиота тумани ҳокими этиб тасдиқлади.

**"Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун "Республика ҳудудидаги умумий фойдаланувда бўлган ҳамда Ўзбек миллий автомагистрали таркибидаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар" мавзуида матбуот анжумани уюштирди.**

## АВТОЙЎЛЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

"Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан "Ўзавтойўл" ДАКнинг асосий фаолияти махсус ваколатли орган сифатида айнан умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, автомобиль йўллари тармоқларини такомиллаштириш истиқболларини белгилаш ҳамда соҳада ягона техника сиёсатини олиб бориш каби вазифаларга қаратилган.

Матбуот анжуманида "Ўзавтойўл" раҳбарияти журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб беришди.

**Умида ШУКУРОВА.**

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ ва статистика қўмиталари ҳамда бошқа тегишли идора ва ташкилотлар масъул ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодийислоҳотлар қўмитаси раиси Б. Иминов ва бошқалар тадбиркорлик ривожига қаратилаётган доимий эътибор натижасида хусусий секторнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши тобора ортиб, аҳоли бандлиги ва даромади ошишининг муҳим омилига айланиб бораётганини таъкидлади. Бунда соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган қонунчилик асослари яратилгани алоҳида аҳамият касб этаётир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 июлда қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш билан бирга, уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлади.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар комплексининг қабул қилиниши иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди.

Соҳага оид қонунларнинг такомиллаштирилаётганидан мақсад тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишдир.

**Н. АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

**2013 йил учун ОБУНА бошланди. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.**

МАЪНАВИЯТ

## ПОКЛИК – БАРАКА КАЛИТИ

**"Аввал поклик – кейин барака" деган бобомерос ақида бор халқимизда. Шу сабабли ҳовли-жойларни, иш ўринларини покиза, саранжом-саришта тутишга ҳаракат қиладилар. Сариштали уй – фариштали уй, супуриқсиз, қаровсиз жойлардан фаришта қочади, деган қарашлар ҳам бор. Фаришта кетдими, у ердан барака, файз кўтарилади... Мантиқан олиб қараганда ҳам шундай: ҳовли-жойнинг қандай аҳволдалиги хонадон соҳибларининг табиати, хулқ-атворининг қандайлигини худди кўзгудаги каби акс эттириб туради.**

Нақл қилишларича, Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари тунда Бухоро кўчаларига чиқиб, тош борми, шох-шабба борми – ўткинчиларга халақит бериши мумкин бўлган нарсалардан тозалаб юрарканлар. Бу юмушни кечаси бажаришларига сабаб – қилган ишларини бировга кўрсатмаслик, Аллоҳ йўлида холисона адо этишдир. Тасаввур қилинг: Нақшбандия тариқатининг пири муршиди тунда, танҳо ўзи кўчаларни ножоиз унсурлардан тозалаб юрган, буни кори хайр – савобли юмуш деб билган. Нафақат улуғларимиз, оддий одамлар ҳам бунда ҳеч бир ғайритабиийлик кўришмаган, одатий ҳол деб қарашган.

Бундан сал кам юз йил олдин яратилган "Туркий гулистон..." да (Абдулла Авлоний асари) шундай дейилади: "Поклик зеҳн ва идрокингни кенг ва ўткир қилур. Халқ орасида эътибор ва шуҳратга сабаб бўлур. Поклик ила ҳар хил касалликлардан қутулиб, жонимизнинг қадрини билган бўлурмиз. Пок бўлмаган киши Аллоҳ олдида ҳам, халқ олдида ҳам қадрсиздур. Расули акрам (с.а.в) **"Ислом дини пок диндур. Бас, пок бўлингиз, пок бўлмаган киши жаннатга кирмас" дея марҳамат қиладилар".**

**"Поклик имондандир",** дейилади яна Ҳадиси шарифда. Демак, имонли бўлишнинг биринчи шарти пок бўлишдир. Поклик эса инсоннинг ботинидан бошланади. Қалб тоза бўлиши, кишининг ўй-фикрлари меҳр-муҳаббат билан йўғрилган бўлиши, мақсади яхшиликка, хайр-саховат, бунёдкорликка қаратилмоғи лозим. Албатта, ботини тоза инсон вужудини ҳам пок сақлашга, либосини ҳам озода ва оҳорли бўлишига, ўзи яшаб турган ҳовли-жойи, кўчаси, маҳалласи орасталигига ҳам эътиборли бўлади.

(Давоми 3-бетда).

ТАЖРИБА. МУАММО. ЕЧИМ

## ЭНГ АРЗОН ХОМ АШЁ

### *Фақат уни тўплаш ва қайта ишлашнинг илғор технологиялари кенг жорий этилиши керак*

Каттароқ шаҳарчани қўйиб турайлиг-у, дуч келган кичик бир қишлоқни айлансангиз, бугун чеккароқ йўл ёқалари, сой ёки анҳор бўйларида уюлиб-сочилиб ётган ахлатлар кўзга ташланади. Ўз вақтида йиғиб, олиб чиқиб кетилмаган чиқиндилар чириб-сасиб, ҳам ҳавони булғайди, ҳам турли кемирувчи, қуш ва уй ҳайвонлари орқали ҳар хил юқумли касалликлар тарқалишига сабаб бўлади. Бундай маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиб кетиш ва утилизация қилиш бугун аҳоли манзилларини ободонлаштириш, одамлар соғлигини сақлаш, турмуш маданиятини кўтаришнинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

– Бугина эмас, – дейди Зангиота туманидаги "GARANT-AZIYA" масъулияти чекланган жамият бошқаруви раиси Ҳамидулла Дадаматов. – Маиший чиқиндилар айни пайтда энг арзон хом ашё ҳамдир. Уларни саралаб, қайта ишлашни йўлга қўйиб, мўмай соф даромад жамғариш мумкин...

**МАЪЛУМОТНОМАДАН:** "Янгийўл шаҳридаги "Авесто-Шамс" кичик корхонаси пластмасса, Зангиота туманидаги "Чанг-Жанг", "Зангиота пласт", "Бурхонбек пласт", "Зумрад" масъулияти чекланган жамиятлар полиэтилен чиқиндиларни, "Гофротара Люкс" – қоғоз ва картон қолдиқларини, Чирчиқдаги "Руббер продукт" автомашиналарни қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Умуман, вилоятдаги 11 та тадбиркорлик корхонасида бир йилда 250 минг тоннага яқин маиший ва саноат чиқиндилари қайта ишланаётир".

(Давоми 2-бетда).

МЕДИАТУР

**Табиат деганда, инсон ҳаёти учун зарур бўлган мусаффо ҳаво, тоза сув, қуёш нури, беғубор ноз-неъматлар киши кўз олдига келади. Аслида ҳам бу табиий унсурлар тирикликнинг бирламчи манбалари. Буларсиз нафақат тирик жон, балки бутун табиий борлиқ ҳам пароканадаликка юз тутиши муқаррар.**

## ЧИҚИНДИСИЗ ТЕХНОЛОГИЯ ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ

Шу боис республикамизда атроф-муҳит муҳофазасига муносабат, айниқса, мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди. Ушбу соҳа муаммоларига давлат сиёсати даражасида устуворлик берилиб, изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқдаки, бунинг шарофати билан эндиликда Ўзбекистон экология масаласида фақат назарий жиҳатдан асосланган ғоялар эмас, барқарор амалий фаолият ташаббускори сифатида ҳам бутун дунёга танилмоқда.

– Бунда республика "ЭКОСАН" халқаро жамоат фондининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор, – деди жамғарма бўлим бошлиғи Миркарим Мирсовуров "Тошкент ҳақиқати" мухбири билан суҳбатда. – Фондимиз табиат муҳофазаси билан боғлиқ барча чора-тадбирларни аввалдан пухта ўйлаб тузилган аниқ режалар асосида изчил амалга оширмоқда. Жумладан, бутун республика бўйлаб жойларда медиатур тадбирларини ўтказиш кейинги пайтлардаги энг фойдали анъаналаримиздан бирига айланди.

**– Дарвоқе, навбатдаги медиатур иштирокчилари Олмалиқ шаҳри, аниқроғи, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятига сафар уюштиришипти. Ушбу тадбир жараёнида асосан қандай масалаларга эътибор қаратилди?**

– Бу ҳақда сўз айтишдан аввал бир муҳим гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Биз медиатур доирасидаги ҳар бир тадбиримизга экология масалаларига бевосита дахлдор ташкилотлар ва айниқса, оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб этмоқдамиз. Хусусан, республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Чинор" экологик ноширлик компанияси, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколиликлари ҳамкорлиги ва бевосита иштирокида матбуот ходимлари, экология соҳаси олим ва мутахассислари учун Арнасой ва Айдаркўл тизимига, Ҳисор, Жайрон, Угам-Чотқол ва Сайхун каби давлат муҳофазасига олинган табиат ўчоқларига уюштирилган медиатурлар матбуот, радио ва телевидениеда кенг ёритилиб, аҳоли ўртасида экологик маданият тарғиботи кенг қулоч ёйишига ёрдам бераяпти. Энг муҳими эса, бу жараён айни кунларда миллий экологик сиёсат ва унинг стратегиясини такомиллаштириш мақсадида 2013-2017 йилларга мўлжаллаб тайёрланаётган "Ўзбекистон атроф-табиий муҳитини муҳофаза қилиш ҳаракати Дастури" учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

МЕДИАТУР

# ЧИҚИНДИСИЗ ТЕХНОЛОГИЯ ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ

Энди ОКМК очиқ акциядорлик жамиятига уюштирилган медиатурга келсак, бу тадбир аввал Олмалиқ шаҳрида мустақиллик йилларида юз берган ўзгаришларни кўздан кечиришдан бошланди. Тадбир иштирокчилари "ЭКОСАН" халқаро жамоат фондимизнинг "Анъаналарни тикла – дарахт эк!" ташаббусига жавобан экилиб, барқ уриб ривожланган дарахтлар соясидаги "Оксана" болалар боғи, Ёшлар дам олиш боғи, катта ўйингоҳ ҳамда янги барпо этилаётган "Аква-парк" билан танишдилар.

Шаҳарга саёҳатдан сўнг ОКМКнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўлими бошлиғи А. Филимонов тадбир иштирокчиларига махсус коржомалар кийдириб, хавфсизликка оид эҳтиёт чоралари билан таништирди. Сўнгра йилига ўн миллионлаб тонна хом ашёни бир неча бор қайта ишлаб, тайёр халқ истеъмоли молларига айлантираётган, мамлакат равнақи учун мис, рух ва бошқа қимматбаҳо металлар ишлаб чиқараётган, асосий маҳсулотни экспорт қилаётган комбинатнинг ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан, Қалмоққир кони, мис-бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва рух заводларига олиб борди. Бу ерда Вазирлар Маҳкамасининг "2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури" тўғрисидаги Қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг қизиқарли ҳикояларини тингладилар. Рух маъданининг оддий тоғ жинси шаклидан қуйма, яъни тайёр маҳсулот ҳолига келишигача бўлган мураккаб технологик жараённи бевосита ишчилар даврасида туриб, катта ҳаяжон билан кузатдилар.

**– Юқорида тилга олинган дастур ижроси хусусида аниқ рақам ва далиллар келтириш мумкинми?**

– Албатта. Дастур ижроси бўйича 2010 ва 2011 йилларда қабул қилинган қарорларда белгиланган вазифалар доирасида 15 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, мис эритиш заводида янги олтингугурт кислотаси цехи ҳамда янги эритиш печи қурилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу ишларни экологик талабларга мос ҳолда, жаҳон андозалари даражасида бажариш мақсадида Германиянинг "Outetec gmbh" ва "Autelt" фирмалари инвестицияларидан фойдаланиляпти. Бу саъй-ҳаракатлар пировардида ОКМК корхоналарининг атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқаришини камайтириб, шаҳар ҳавоси белгиланган меъёрда туришини таъминлайди.

**– Жиззах, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ҳам шундай корхоналар бор. Уларда аҳвол қандай экан?**

– Комбинат мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари билан янги технологиялар яратилибди, 2004 йилдан буён металлургия саноати чиқиндиларидан қўшимча мис олиш мақсадида иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланилаётган экан.

Очиқ ва ёпиқ сув манбалари ифлосланишининг олдини олиш, шунингдек, тоза ичимлик суви сарфини камайтириш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга ошириш натижасида Оҳангарон дарёси сувини истеъмол қилишдан батамом воз кечилди. Шаҳарнинг экологик ҳолатини меъёрида сақлаш, ободонлаштириш ва инфратизимни ривожлантириш мақсадларига 8 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланмоқда.

**– Ўтказилаётган медиатурлар самарасини кенг оммага етказиш учун қандай чоралар қўлланилаяпти?**

– Юқорида айтганимдек, барча медиатур тадбирларида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этиб, ўз нашрларида кенг ёритмоқдалар. Қолаверса, медиатурлар якунида уюштирилаётган матбуот анжуманлари ҳам тадбирларимиз самарасини оширишга ёрдам бераяпти. Жумладан, Олмалиқдаги Металлурглар саройида медиатур сўнгида уюштирилган матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган ҳамма саволларга раҳбар ва мутахассислар малакали жавоб бердилар.

Матбуот анжуманини бошқарган республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи, кимё фанлари номзоди Ҳония Асилбекова ер ости бойликларини қазиб олиш, қайта ишлаш жараёнларида атроф-муҳитни ифлослантирувчи чиқиндилар чиқишини камайтириш муаммоларини ҳал қилиш, чиқиндисиз технологияларни жорий этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан ОКМКда амалга оширилаётган чора-тадбирларни алоҳида таъкидлади.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТАЖРИБА. МУАММО. ЕЧИМ

# ЭНГ АРЗОН ХОМ АШЁ

"GARANT-AZIYA" масъулияти чекланган жамияти 2005 йили иш бошлаган. Ўша кезлари туман ҳудудида қишлоқлар, корхона ва ташкилотлардан чиқиндиларни олиб чиқиб кетишга эътиборсизлик кучайган, уларни тўплаб, зарарсизлантириб, кўмиладиган жой ҳам маълум эмасди. Туман ҳокимлиги 2008 йили бу корхонага Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудининг чекка қисмидан 10 гектар ер ажратиб берди. Янги корхона аҳоли, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва якка тадбиркорларга шартнома асосида хизмат кўрсата бошлади. Эндиликда у аҳоли манзиллари тоза, озода сақланишини таъминлаш, маиший чиқиндиларни бирламчи саралаш, қолганларини зарарсизлантириш ва кўмиш билан шуғулланмоқда. Бу санитария-тозалик хизмати 311 минг аҳоли истиқомат қилувчи 25 та маҳалла, 10 мингдан зиёд хонадонни, 100 дан зиёд корхонани қамраб олган. Учта ISUZU русумли махсус автомашина, 2 та бульдозерга эга.

– Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун хизмат тарифлари тасдиқланган, – дейди Ҳамидулла Дадаматов. – Аҳолининг маиший чиқиндилари учун ойига 4,5, корхона ва ташкилотлардан олинадиган ҳар бир куб метр чиқинди учун 20,83 минг сўм миқдорида белгиланган. Ўз транспорт воситаси билан ташиб келтирилган чиқинди учун 10 минг сўм олинади.

Ҳар ойда аҳолидан ўртача 750, корхона ва ташкилотлардан 110 куб метр чиқинди тўпланаётир. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларнинг ўз транспорт воситалари билан ташиб келтирилаётган чиқиндилар ой-сайин 400 тоннага етаётир. Улардан иккиламчи хом ашёни саралаб олиш билан 40 га яқин киши шуғулланмоқда.

Чиқиндихона илгариги дала ҳовлиларига туташ, юк машиналари қатнашига қулай, сув ҳавзаларидан четда. Ер ости сувлари 15 метр чуқурликда. Ҳокимлик бу майдонни чиқиндихона учун ажратаётганида шуларни ҳисобга олган.

Лекин шу йил март ойида мутахассислар бу ердаги аҳволни ўрганишиб, чиқинди ташлашни тўхтатиш чораларини кўриш ва корхона учун талабга жавоб берадиган бошқа жойдан ер майдони ажратишни тавсия қилиб, тегишли хулоса берди.

– Бу масалани ҳал қилиб, чиқиндихона фаолиятини тўхтатиш ёки давом эттириш хусусида тезроқ бир қарорга келинса мақсадга мувофиқ бўларди, – дейди корхона раҳбари. – Чунки, чиқиндихонани тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларига биноан қуришни давом эттириш чўзилиб кетмоқда. Дастлабки қадам сифатида унинг атрофини девор билан ўраб чиқиш, транспорт воситаларини дезинфекция қилиш учун махсус иншоот қуриш зарур...

Бу борада Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари билан бевосита ҳамкорликда иш олиб борилаяпти. Қўмита жамғармасидан 25 миллион сўм маблағ ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Бошқа бир жиддий муаммо чиқиндиларни утилизация қилиб, керакли иккиламчи хом ашёни ажратиб олишни ташкил этишдан иборат. Ҳозирча махсус техника ва ускуналар йўқлиги учун барча ишлар қўлда бажарилаётир. Ҳамидулла Дадаматов бу борада ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида германиялик тадбиркорлар билан мулоқотга киришди. У хорижга чиқиб, кунига 100 тонна маиший чиқиндини саралаш қувватига эга бўлган мини-заводдаги технологик жараёнлар билан танишиб келди. Қиймати 300 минг евро бўлган бу ускуналарни олиб келиб ишга тушириш катта иқтисодий самара беради, сарф-харажатлар қисқа фурсатда ўзини оқлайди.

– Афсуски, бу ускуналарни сотиб олишга молиявий аҳволимиз имкон бермаяпти, – дейди раҳбар. – Ҳозирги тушум доимий харажатларни базўр қопламоқда. Бошқа бир жиддий муаммо ёнилғи-мойлаш ашёлари таъминоти билан боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида чиқиндиларни тўплаш, ташиш, зарарсизлантириш ва кўмишда фойдаланиладиган техника воситаларини имтиёзли асосларда, узлуксиз таъминлаш тамойилини яратиш пайти келди.

Дарҳақиқат, озодалик, қишлоқлар ва катта-кичик шаҳарларда санитария ҳолатини яхшилаш муҳим ижтимоий масала. Бу жараёнлар муайян чиқимлар, сарф-харажатлар билан боғлиқ, албатта. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши масалани вилоят сессияси муҳокамасига киритиш тараддудида. Ўйлаймизки, депутатлар саъй-ҳаракати билан бу масала ижобий ҳал қилинади.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ИЖОДКОРЛАР ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

# НИЯТЛАР УШАЛГАН КУН

Йўл-йўлакай Бўка тумани пахтакорларининг бу йил 37 минг 565 тонналик пахта хирмони бунёд этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, вилоят ҳокимининг етиштирилган мўл ҳосилни ёғинсочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиш юзасидан мурожаати, айни кунлардаги қулай об-ҳаводан унумли фойдаланиш, ҳашарлар уюштириш тўғрисида ўзаро фикрлашиб бордик.

Дарҳақиқат, бизни "Жамбил" фермерлар уюшмаси ҳудудидаги дала шийпонида бир гуруҳ туман фаоллари қарши олишди. Санъаткорлар бир зумда овоз кучайтиргич ва бошқа зарур жиҳозларни ҳовли саҳнига ўрнатишди. Кенг давра олган теримчилар ҳузурида мушоира ва мусиқа оқшоми бошлаб юборилди. Шоир Ботиржон Эргашев, бўкалик ижодкор Гулжаҳон Илёсова каби шоир-ёзувчиларнинг чиқишларини иштирокчилар олқишлар билан кутиб олишди. "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши раиси Азамат Камоловнинг энг илғор теримчиларни совға-саломлар билан рағбатлантириши, санъаткорларнинг даврага мос куй-қўшиқлари, ҳаммаҳаммаси йиғилганларнинг қалбига завқ-шавқ, кўтаринкилик бахш этди.

Жами 559,4 гектар ерда пахта етиштириб, 1395 тонналик шартнома режасини ортиғи билан бажариш учун ҳаракат қилаётган "Жамбил" фермерлар уюшмасида терим суръати кун сайин ошаётгани, пахтакорларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилгани, терилган пахта учун иш ҳақи белгиланган муддатларда тўланаётгани тўғрисида деҳқон ва теримчиларнинг ўзларидан эшитиб, кўнглимиз яйради. Адабий-маърифий учрашув асносидаги суҳбатда кимдир кутилмаган мулоҳазани ўртага ташлади:

– Бугунги учрашувимиздан из қолиши учун шоирларимиз янги шеър ёзсалар яхши бўларди!

Биз янги асарлар яратишга ваъда бердик, адабиётга меҳр қўйган мухлисларга китоблар совға қилдик, атрофимизни ўраб олган ёшларга тилакларимизни ёзиб қолдирдик. Бироқ, мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлиги, ободлиги ва фаровонлиги таъминланадиган бугунги кунларда наинки ижодкор, балки шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро ўзидан муносиб из қолдириши чиндан ҳам муҳимдир.

Биз "Хўжақўрғон" фермерлар уюшмасида ҳам худди шундай учрашув ташкил этиш тўғрисида бир тўхтамга келгач, йўлга отландик. Устоз шоирларнинг шеърларини ёд биладиган, дам олиш пайтидаги озгина бўш вақтида ҳам китоб варақлайдиган, шоир-ёзувчиларни эъзозлайдиган танти деҳқонларнинг ўзлари ҳам аслида буюк ижодкордирлар. Шундай эмасми? Фақат улар бор истеъдодларини қоғоз саҳифаларига эмас, ернинг кафтига гўзал байтлар мисол битадилар. Оппоқ осмонўпар хирмонлар эса уларнинг ижод маҳсули-китобларига қиёсдир! Ортга қайтар эканмиз, энсиз дала йўли ва чексиз пахтазорлар қалбимизга жуда-жуда яқин ва қадрдон эканини ҳис этдик.

**Зарифа ЭРАЛИЕВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

# МАҚСАД АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ

**Эшик қоқаётган совуқ кунлар киши кўнглига ғулғула солиши шубҳасиз. Ахир ҳали қишга тайёргарлик кўриб улгурмаганлар ҳам бор. Кузнинг салқин ҳавосию серёмғир кунлари уларни шошириб қўйиши аниқ. "Қишнинг ғамини ёзда е" деб бежиз айтишмаган. Чирчиқ шаҳрида 2012-2013 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати билан танишиб, анча ишлар қилинганига гувоҳ бўлдик.**





– Шаҳарда 863 та кўп қаватли уй, 32 минг 20 та хонадон бор, – дейди "Бино Чирчиқ" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати раҳбари Шавкат Норматов. – Уларга 112 та ширкат ва 14 та компания хизмат кўрсатмоқда. Режа асосида 12 та кўп қаватли уй жорий, 20 таси тўлиқ таъмирдан чиқарилди, 254 та уйда эса иситиш тизими яхшиланди. "Истиқбол", "Нур", "Ишонч" маҳаллаларидаги уйлар шулар жумласидан. 340 га яқин уйларнинг том қисми, 23 тасида иссиқ ва совуқ сув тизими таъмирланиб, 351 та уйнинг кириш йўлаклари ва 67 та болалар майдончалари тартибга келтирилди.

Дарҳақиқат, ширкатларнинг масъулият билан ўз вазифаларини адо этишлари аҳолига манзур бўлмоқда. "Тоҳир Нурли Келажак", "Нур Мега Идеал Сервис", "Нур Мега Идеал Азия" каби ширкатлар режада белгиланган ишларни деярли 100 фоиз бажариб бўлди.

– Кўп қаватли уйларнинг 4 тасини мукаммал таъмирдан чиқариб, том қисмларини ҳам полизол қопламалари билан ёпдик, – дейди "Истиқбол" маҳалласидаги "Тоҳир Нурли Келажак" ширкати раҳбари Рустам Хайриддинов. – Бундан ташқари, ертўладаги қувурлар алмаштирилди. Аслида ширкатларнинг вазифаси аҳолига қулайлик яратишдир. Шунинг учун биз доим ҳаракатдамиз.

"Нур Мега Идеал Азия" ширкатининг иши ҳам айтишга арзигулик. Ширкат тасарруфида 10 та кўп қаватли уй бўлиб, уларнинг барчаси мавсумга шай қилинди. 120 метр узунликдаги канализация қувурлари, 30 метр узунликдаги иситиш тизими янгиланди.

– Одамлардан эътироз эшитмаслик учун эртаю кеч ишладик, – дейди ширкат раҳбари Абдукарим Мажидов. – Ахир уларнинг ҳаловати барча машаққатлар унутилишига туртки бўлади.

"Беш қўл баравар эмас" деганларидек, ҳамма ширкатлар ҳам рисоладагидек ишлаётгани йўқ. "Ифтихор" маҳалласидаги "Азиз" ширкатини ана шундайлар қаторига киритиш мумкин.

– Иситиш қувурларини ўзимиз янгилашимизга тўғри келди, – дейди 8-уйда яшовчи Людмила Иконникова. – Ширкат раҳбарининг ёш ва тажрибасизлиги сабаб шундай эътиборсизликка йўл қўйилаётгандир, балки.

Эътироф этиш керакки, маҳалладаги 12 та кўп қаватли уй шу ширкатга қарашли бўлиб, баъзи ишлар бажарилган. Бироқ, иссиқ сув қувурлари қопламаларининг ҳолати эътибордан четда қолган. Баъзи жойларда эса қувурлар ёғочлар билан беркитилган.

– Виктория Исламова 2 йилдан буён ширкатга раҳбарлик қилаяпти, – дейди фуқаро Дилфуза Ҳожиматова. – Кириш йўлаклари тартибга келтирилди, темир эшиклар ўрнатилди. Бундан ташқари, унинг саъй-ҳаракатлари билан аҳолининг қарзи камайди. Бироқ, тайёргарлик ишлари суръатининг бироз пастлиги аҳолини шошириб қўйди. Шу сабаб айримлар ўз муаммоларини ўзлари ҳал қилишга мажбур бўлдилар.

**Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**Япония – Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил ривожланмоқда.**

# ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда ушбу мамлакатнинг махсус тузилмалари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. 1999 йили Тошкентда ўз ваколатхонасини очган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ижтимоий, иқтисодий, гуманитар йўналишларда, хусусан, қишлоқ ва сув хўжалиги, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳаларни ривожлантиришда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган пресс-тур иштирокчилари JICAнинг Кўнгиллилар дастури, Техник ҳамкорлик ва Истиқболдаги ҳамкорлик лойиҳалари доирасида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

– Ўзбекистондаги турли компания ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз йил сайин ривожланиб бораётганидан ғоят мамнунмиз, – деди JICAнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Юкихико Эжири. – Биз Ўзбекистонда ҳар бир қўшма лойиҳани амалга оширишга алоҳида эътибор билан қараймиз, мамлакатингизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлаймиз. Келгусида Ўзбекистон билан ҳамкорликда яна кўплаб истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз.

Журналистлар "Сейсмология, муҳандислик сейсмологияси ва табиий офатлар пайтида бошқариш сиёсати" лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар билан танишдилар. Ушбу лойиҳага биноан Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг Сейсмология ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги марказида Сейсмология станцияси ташкил этилган. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу станция Евроосиё қитъаси катта қисмининг сейсмик фаоллигини кузатиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда ушбу соҳани янада тараққий эттиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини сотиш ва қайта ишловчиларга бевосита етказиб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур тадбир самарасида Ўзбекистон пахтасига қизиқиши ортаётган хорижлик харидорлар сафи янада кенгаймоқда. Бу эса фермерларимиз етиштирган толани харидорларга пешма-пеш ва сифатли тарзда етказиб бериш борасида амалий чоралар кўришни талаб этаётир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июнда қабул қилинган "Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

# ХАРИДОРЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

Мамлакатимиздаги мавжуд йигирмадан зиёд пахта терминали орасида "Тошкент-Тола" энг йирикларидандир. Ҳудудлараро мақомга эга корхона Тошкент вилоятидаги 12 пахта тозалаш заводида тайёрланаётган ҳамда бошқа вилоятлар толасининг бир қисмини "Ўзсаноатмашимпекс", "Ўзмарказимпекс", "Ўзинтеримпекс" давлат акциядорлик ташқи савдо компаниялари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ички истеъмолчилар ҳамда хорижлик харидорларга етказиб бермоқда.

Терминал фаолиятида Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси муҳим ўрин тутади. Корхона раҳбари Рашид Умархўжаевнинг айтишича, бу йил ҳам ушбу нуфузли тадбирга пухта тайёргарлик кўрилган. Омборлар таъмирланиб, пахта хом ашёсини намойиш қилиш ва сотиш учун янада қулайроқ шароит яратилган.

Тола экспорти билан боғлиқ ҳужжатларни терминалнинг ўзида расмийлаштириш учун барча имконият мавжуд. Хусусан, бу ерда Ўзбекистон "Сифат" марказининг лабораторияси, божхона, давлат карантин назорати пункти хизматлари йўлга қўйилган. Экспортга жўнатиладиган пахта толаси ҳақидаги барча маълумотлар тезкорлик билан ташқи савдо компанияларига етказилади.

Терминалга қарашли омборларга 45 минг тоннадан кўпроқ тола сиғади. Уларнинг бир қисми эркин омбор тизимига ўтказилгани харидорлар учун янада қулайлик яратмоқда. Энди харидор сотиб олган хом ашё, унинг хоҳишига кўра, токи олиб кетилгунга қадар шу омборларда сақланиши мумкин.

Харидорлар бир йўла 7 омбордаги пахта толаси намунасини кўриш имконига эга. Танланган тола белгиланган муддатларда айтилган манзилга етказиб берилмоқда. Яратилаётган бундай қулайликлар ҳамкорлар сонининг ортишига хизмат қилмоқда. Мисол учун, "Тошкент-Тола" терминали иш бошлаган 2003 йили харидорларга 75 минг тоннага яқин тола етказиб берилган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсаткич юз минг тоннадан ортмоқда.

Терминал кунига 500 тонна хом ашёни пахта тозалаш корхоналаридан қабул қилиб, 900 тоннадан ортиқ толани экспорт қилиш имкониятига эга. Терминалда хом ашёни юклаш ва ташиш ишлари замонавий автоюклагичлар ҳамда ўнга яқин "Мерседес-бенц" автопоездлари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасини қизғин ва ишчан руҳда, юқори савияда ўтишига, мамлакатимиз пахта толасининг дунё бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА шарҳловчиси.**

# ОБОД КЎЧАЛАР УЧУН ГЎЗАЛ ТРАНСПОРТ

**Шу йилнинг 27 сентябрь куни пойтахтимизга Чехиянинг "Pragoimex" фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган 6 та "Vario LF" трамвайлари келтирилди.**



Ўзбекистонга "Vario LF" русумли 20 та трамвай вагонларини келтириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрь санасидаги "Шаҳар йўловчи ташиш электр транспорти ҳаракатидаги состав паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида назарда тутилган ҳамда "Тошшаҳартрансхизмат" ассоциацияси ва "Pragoimex" АЖ ўртасида 2011 йил 2 июнда имзоланган шартнома асосида амалга оширилди.

Мазкур трамвайлар зарурий божхона ҳамда ишга тушириш амалиётлари ўтказилгандан сўнг жорий йилнинг октябрь ойи бошларида йўналишларга чиқарилади. Пойтахт аҳолисига айни кунларда Чехияда ишлаб чиқарилган 14 та трамвай хизмат қилмоқда эди. Янги трамвайлар келиб қўшилиши билан улар сони 20 тага етди.

Янги трамвайлар Европа стандартлари талабларига жавоб бериши, ўзининг замонавий дизайни ҳамда юқори сифати билан ажралиб туради. Улар электрон бошқарув пультлари билан жиҳозланган ва бунинг натижасида 30-40 фоизга қадар электр энергиясини тежаш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга улар кучланишнинг 400 дан 900 вольтга қадар ўзгариш ҳолатида, турли табиий шароитлар – 40 даража совуқда ҳамда 70 даража иссиқда ҳам ишлашга мўлжалланган. Ўртача 140 нафар кишига мўлжалланган трамвайларнинг салони юмшоқ ўриндиқлар билан жиҳозланган. Трамвайнинг ўрта эшикларида ногиронлар аравачалари учун махсус ускуналар ўрнатилган.

**"Туркистон-пресс".**

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

**– Ҳар куни ўнлаб кишилардан миннатдорлик сўзларини эшитганимда шу касбни танлаганимга шукр қиламан, – дейди Оҳангарон тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси акушер-гинекологи Насиба Комилова. – Ахир кимнингдир дардига дармон бўлиш, мушкулини осон қилишдан-да ёқимли иш борми дунёда. Зеро, шифокор учун зиммасидаги масъулиятли вазифани адо этиб, раҳмат эшитишнинг ўзи кифоя. Дарҳақиқат, одамлар саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб, унинг самарасини кўриш шифокор кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади.**



# РАҲМАТ ЭШИТИШНИНГ ЎЗИ КИФОЯ



– Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол этиб тарбиялаш устувор вазифалардан бирига айлангани қувонарли, – дейди муассаса раҳбари Далер Умриллаев. – Хусусан, бизнинг шифохонамизда ҳам шу йўналишдаги ишлар самарасини ошириш режаси ишлаб чиқилган. Унда оналик ва болалик муҳофазасини тубдан яхшилашга алоҳида ўрин берилган. Шунинг учун хавфсиз ҳомиладорликни таъминлаш, гўдакларни кўкрак сути билан боқиш, уларнинг ўсиши ва ривожланишини мониторинг қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 30 минг 681 фертил ёшидаги аёлларимизнинг саломатлигини қатъий назорат қиламиз. Суҳбатлар уюштириб, керакли маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатамиз.

"Соғлом оила – соғлом жамият" деган фикрни шиор қилган тиббиёт бирлашмаси 121 минг 168 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Муассасада ЛОР, окулист, хирург, травматолог, гинеколог, уролог, невропатолог, физиотерапевт ва шу каби қатор йўналишлар бўйича беморлар даволанмоқда. Бирлашма дунёнинг етакчи мамлакатларида ишлаб чиқарилган тиббиёт асбоб-ускуналари ва диагностика, ФГ текшируви аппаратлари билан таъминлангани аҳолига қулайлик яратмоқда. Энг муҳими, бу каби имкониятлар касалликни вақтида аниқлаш, тўғри ва аниқ ташҳис қўйиш, самарали даволашга ёрдам бермоқда.

Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича ҳам муассасада қатъий тартиб ўрнатилган. Ўтган 6 ой давомида 563 никоҳланувчи кўрикдан ўтган бўлиб, 2 нафарида руҳий, 1 кишида тери-таносил касалликлари аниқланди. Улар диспансер назоратига олиниб, соғломлаштириш муолажалари олиб борилмоқда.

Муассасадаги шошилинч тиббий ёрдам бўлимининг иш суръати жадаллашгани хизмат сифатини оширди. Яқинда бўлимга энг сўнгги русумдаги сунъий нафас бериш аппарати келтирилди.

– Ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш мақсадида тегишли идоралар билан биргаликда тушунтириш олиб борамиз, – дейди туғуруқ бўлими мудири Маҳбуба Ғозиева. – Айниқса, ёш оналар билан алоҳида ишлашга ҳаракат қиламиз. "Соғлом она – соғлом бола" шиори остида мактаб, касб-ҳунар коллежлари, маҳаллаларда суҳбатлар ўтказамиз. Унда шифокорларимиз ҳаётий воқеалар мисолида маърузалар ўқиб, тиббий кўрикнинг зарурати, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, шу билан бирга, соғлом бола туғилишида туғуруқлар ўртасидаги оралиқнинг аҳамияти ҳақида тушунча берадилар.

Муассасада 86 шифокор ва 330 ҳамшира эртаю кеч беморлар саломатлигини тиклаш йўлида хизмат қилмоқдалар.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

МАЪНАВИЯТ

# ПОКЛИК – БАРАКА КАЛИТИ

Пойтахтимизнинг қадимий маҳаллалари, кўчаларидан эрталаб ўтиб қолсангиз баҳридилингиз очилади. Эшиклар олди супуриб, сув сепилган... Ғоятда ибратли бир одатимиз борки, оилага янги тушган келиннинг эрталабки биринчи юмуши ҳовли ичи-ташини супуриб-сидириб қўйишдир. Бола бошидан, дегандай навниҳол келин ҳам янги тушган хонадондаги ана шу орасталикка кўниктирилади. Бу унинг бир умрлик одатига айланади...

Наинки қадимий маҳаллалар, бугун кўпқаватли бинолар олдида ҳам шундай кўнгилли манзарани кузатишимиз мумкин. Агар бир йўлакда (подъездда) ўн ёки йигирма хонадон яшаса, навбат қилинади. Ҳар эрта бир хонадон вакили – қизи ёки келини йўлак зинапояларидан тортиб, эшик ташқарисини ҳам супуриб, сув сепиб, озода қилиб қўяди. Орасталик қон-қонига сингган миллат ҳовлида яшайдими, кўпқаватли бинодами, барибир ўзлигини намоён қилади-да. Демак, ҳамма гап тарбияда, азалий қадриятларга бўлган садоқат ва эътиборда.

Аммо...

Телевизорда шундай бир сўзсиз лавҳани кўрганман: автобус бекати. Ҳаммаёқ озода, саришта. Йўл чеккаларида турфа гуллар қийғос очилиб ётибди. Атрофда шинам ва салобатли кўп қаватли бинолар. Бекатда бир неча қиз тўп бўлиб, автобус кутишяпти. Ҳаммаси хуши-хандон, бири-биридан хушрўй, ораста талаба қизлар... Хуллас, кўз қувонарли, ёқимли манзара. Ниҳоят, автобус келди-да, йўловчиларни олиб жўнади... Экранда эса лавҳа бошидаги тасвирлар яна қайтадан кўрина бошлади: кўр тўкиб турган кўп қаватли шинам бинолар... Тонг-азонда супуриб-сидирилган, сув сепилган кенг ва равон йўл, йўл чеккаларида қийғос очилиб ётган ранг-баранг гуллар... Ва... тасвир бекатга, ҳалигина бири-биридан хушрўй, бири-биридан ораста кийинган қизлар тўп бўлиб автобус кутган жойга келганда беихтиёр туриб қолади. Сабаби... Сабаби ҳалиги ораста қизлар ўрнида писта пўчоқлари, конфет ва музқаймоқ қоғозлари сочилиб ётарди. Лавҳа, ҳали айтганимдай, сўзсиз. Ортиқча изоҳ, гап-сўз йўқ. Лекин, унинг замирида катта маънолар ётганини аллақачон сезиб олгандирсиз.

Шундай, одам сиртдан ораста кўрингани билан мукаммал ахлоқли бўлиб қолмас экан. Ўзини озода, ораста тутиб, атрофга, бошқалар меҳнатига бефарқлик, беписандлик, бу – унинг ахлоқидаги қусурдан, тарбиясининг бир ёқламалиги, чалалигидан, янада аниқроқ қилиб айтганда, ички маданият етишмаслигидан дарак беради.

Афсуски, бундай нохуш манзарани шу кунларда (хазонрезги куз фаслида) бот-бот учратишимиз мумкин. Боғ ва хиёбонлардаги барг-хазон уюмларини ўйламай-нетмай, турган ерида бурқситиб куйдирадилар. Бир дона сигарета тутунининг нафақат чекувчи, балки атрофдагилар учун қанчалик зарарлилиги ҳақида бонг урамиз. Энди сон-саноқсиз барг-хазон уюмларидан атрофга ёйилаётган аччиқ тутуннинг заҳари қанчалар салмоқли бўлишини тасаввур қилиб кўринг. Бу бориб турган жиноят эмасми?!

Парвардигор борлиқ оламни одам учун яратди. Яратганда ҳам, бандасининг ҳар бир эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, тўла-тўкис қилиб, мукаммал ва гўзал қилиб яратди. Йилни тўрт фаслга тақсимлаб, ҳар фаслни ўзига ярашган ҳусну таровват билан безади. (Бу ҳолат айниқса, бизнинг она юртимизда янада яққолроқ кўринадики, шу боис ҳам уни жаннатга менгзайдилар, унга ҳавас қиладилар).

Мезон эпкинлари эсиб қолди. Кечагина ям-яшил бўлиб шовуллаб турган дарахтлар япроқлари секин-аста ранг-тусини ўзгартириб, янада ўзгача малоҳат касб этиб, ҳусну тароватини кўз-кўз қила бошлади. Эътибор қилинг: табиатда ҳамма нарса гўзал, ораста. Ҳатто, эрта-индин банди бутоқдан узиладиган япроқлар ҳам турфа рангларда товланиб, борлиққа ажиб бир тароват бахш этиб турибди.

Ҳа, Парвардигор оламни, ундаги ҳар бир унсурни гўзал қилиб яратди. Инсонни яратишдан мақсади эса унинг шу гўзал борлиқнинг эгаси, боғбони бўлишини, Ўзи яратган оламни янада тўкис, янада гўзал қилмоғини истади.

**"Албатта, Аллоҳ таоло яхшидир, яхшиликни севади, сахийдир, саховатни севади, покдир, покликни севади. Покланинглар, ён-атрофларингни пок сақланглар"** дея марҳамат қилинади Ҳадиси шарифда. Демак, пок бўлиш, покликни севиш, ён-атроф – борлиқ олам поклиги учун курашиш бандани Парвардигор муҳаббатига сазовор қилар экан. Парвардигор муҳаббати эса унинг икки дунё саодатига муяссар бўлиши демакдир.

Кейинги йигирма бир йил мобайнида Ватанимиз қиёфаси қай даражада ўзгариб кетганини кўриб, фахрланяпмиз. Пойтахтимизда (ва нафақат пойтахтимизда) қад ростлаётган муҳташам бинолар атрофида барпо қилинаётган ям-яшил хиёбонларга эътибор қилинг. Кўзингиз қувонади. Бу ишларда ҳар биримиз амал қилишимиз лозим бўлган ибрат бор. **Ободлик кўнгилдан бошланади,** дейилади. **Биздан озод ва обод Ватан қолсин,** деган шиор ўртага ташланмоқда. Шундай экан, бу улуғ ақидаларга ҳар биримиз қалбан қўшилишимиз керак. Зеро, якдиллик, ҳамфикрлик, маслагу мақсад бирлиги хайрли оқибатларнинг, умумхалқ муваффақиятининг биринчи шартидир.

**Қурбон ҳожи ТУРСУНОВ,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, даволаш муассасалари моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани, кадрлар тайёрлаш тажрибаси ва амалиёти, муаммо ва ечимлар" мавзуида матбуот анжумани ўтказди.**

## МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Республика Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони доирасида хирургия, урология, кўз микрохирургияси, кардиология каби йўналишларда 10 та республика ихтисослашган маркази ташкил этилиб, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида жами 9 тиббиёт олий таълим муассасаси, 78 тиббиёт коллежи ва 13 академик лицейлар фаолият кўрсатмоқда.

## ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари иштирокида "Ўзбекистон мустақиллиги ва замонавий таълим тараққиёти" мавзуига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди.**

Ҳозирги кунда университетда ўқув жараёни, илмий тадқиқот, ўқув-услубий ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, таълим сифатини таъминлаш, мамлакатимиз илм-фани равнақига хизмат қилувчи билимли, интеллектуал ривожланган кадрларни тайёрлаш ҳамда республикамиз ҳудудлари ва корхоналарнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган таълим жараёни ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда университет профессор-ўқитувчилари журналистларнинг эришилаётган натижалар, инновацион лойиҳаларга оид саволларига жавоб бердилар.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

# «САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» САФАРГА ШАЙ

**Республика Президенти томонидан тасдиқланган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига мувофиқ экологик шароити оғир ҳудудларда яшаётган аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Саломатлик поезди"ни ташкил этиш белгиланган эди.**

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ушбу дастур доирасида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда шу йил 24-31 март кунлари Навоий вилояти аҳолиси учун Тошкент-Тинчлик-Конимех-Қорақата-Мустақиллик-Бузовбой-Учқудуқ-II-Тошкент ҳамда 18-23 май кунлари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси учун Тошкент-Оқработ-Деҳқонобод-Дарбанд-Бойсун-Қумқўрғон-Тошкент йўналишларида "Саломатлик поезди"ни ташкил этиб, аҳолининг муҳтож қатламларига озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, дори-дармон, тиббий асбоб-ускуна, санитария-гигиена воситаларидан иборат инсонпарварлик ёрдами кўрсатган эди.

Навбатдаги шундай "Саломатлик поезди" бугун кечқурун Тошкент-Жаслиқ-Қорақалпоғистон-Тошкент йўналиши бўйлаб Қорақалпоғистон аҳолисига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш учун сафарга жўнайди. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ушбу тадбир учун махсус вагонлар тақдим этди. Юқори малакали шифокорлар гуруҳи билан бирга, жойларда жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ходимлари ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. "Соғлом авлод учун" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг автоамбуланс машинасида ҳудуддаги барча "Мурувват", "Саховат" ва "Меҳрибонлик" уйлари, олис жойлардаги шифохоналар, барча туғуруқ мажмуалари, болалар махсус мактаб-интернатларига ёрдам беришни режалаштирилган.

"Саломатлик поезди" шифокорлари 8-16 октябрь кунлари ногирон болалар, хотин-қизлар, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилаларни тиббий кўрикдан ўтказишади. Махсус муассаса, ёрдамчи мактаб ва боғчаларга мурувват ёрдами кўрсатишади. Шу билан бирга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида турли учрашув, давра суҳбати ва савол-жавоб кечалари уюштириш назарда тутилган.

Тадбирга АҚШнинг "Америкерз" халқаро ташкилоти, "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик компанияси, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, "Nestle-Uzbekistan" қўшма корхонаси, "Поль-фарма" очиқ акциядорлик жамияти, "Дори-таъминот" масъулияти чекланган жамияти, "Jurabek Laboratories" очиқ акциядорлик жамияти ҳомийлик қилади.

**Ўз мухбиримиз.**

# СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА ОДИЛ СУДЛОВ

**Пойтахтимизда "Суд экспертизаси ютуқлари ва одил судлов" мавзуида халқаро илмий-амалий семинар ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш, Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази томонидан Германия Федератив Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ) билан биргаликда ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз Ички ишлар вазирлигининг Эксперт-криминалистика маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий экспертиза бош бюроси, Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати тизимидаги экспертлик бўлимларининг мутахассислари, олимлар ва халқаро экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Қ. Тоғаев, Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази раҳбари С. Отахўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд экспертизаси хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани одил судловни таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

2010 йил 1 июнда Ўзбекистон Республикасининг "Суд экспертизаси тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши билан мамлакатимизда ушбу соҳанинг изчил ривожланиши, экспертлик тадқиқотларининг жаҳон стандартларига мос, замонавий илмий даражада ўтказилишининг ҳуқуқий асослари яратилди. Мустақиллик йилларида суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техник базаси тубдан янгиланди, малакали эксперт кадрларни тарбиялаш йўлга қўйилди. Бу борада Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази самарали фаолият юритмоқда. Марказ лабораторияларида қарийб қирқ турдаги экспертизани муваффақиятли ўтказиш имконини бераётир. Айниқса, марказда Марказий Осиёда биринчи бўлиб ташкил этилган одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ёрдамида мураккаб жиноятлар ҳам фош этилмоқда.

Бу борада хорижий мутахассислар билан тажриба алмашиш йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини бераётир.

– Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда, – дейди Саксония Федерал ери криминал полицияси бошқармаси эксперти Петер Добровольски (Германия). – Хусусан, суд экспертизасини ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани инсон ҳуқуқларини тўла таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Илмий-амалий семинарда суд-экспертлик фаолияти ва вазифалари, одил судловни таъминлашда экспертизанинг ўрни, уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз юритилди. Суд-фонография, геном дактилоскопия, ашёвий далилларни текшириш учун қўлланиладиган замонавий усулларнинг бугунги кундаги имкониятлари муҳокама этилди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Жорий йилнинг сентябрь ойида Франциянинг Париж шаҳрида "IFTM Top Resa – 2012" ҳамда Японияниг Токио шаҳрида "JATA Tourism Forum & Travel Showcase – 2012" халқаро сайёҳлик кўргазмалари бўлиб ўтди. Мазкур кўргазмаларда мамлакатимизнинг туристик салоҳияти кенг намойиш этилди.**

**Ўзбекистон сайёҳлик ва тарихий жойлар сони бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда сайёҳларнинг қизиқиш ва талабларига жавоб берадиган шарт-шароит мавжуд, соҳа йўналишлари тобора кенгаймоқда. Жумладан, мамлакатимизда сайёҳликнинг тарихий-меъморий, сафари, спорт, рафтинг, экотуризм, археологик, фольклор-этнографик, агротуризм, соғломлаштириш, маданий ва маърифий каби турлари изчил ривожланмоқда.**

# ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатларида сайёҳлик соҳасида ўтказиладиган қатор нуфузли халқаро кўргазма, ярмарка ва фестивалларнинг фаол иштирокчисидир. "Ўзбектуризм" миллий компанияси мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга танитишда дунёнинг кўплаб давлатларидаги компаниялар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Франция ва Японияда ўтказилган сайёҳлик кўргазмалари Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини тўла намойиш этиш учун қулай имконият бўлди.

"IFTM Top Resa – 2012" ҳамда "JATA Tourism Forum & Travel Showcase – 2012" дунёдаги нуфузли халқаро кўргазмалардан ҳисобланади. Маълумотларга кўра, ушбу кўргазмаларда юзга яқин мамлакатдан ўн мингдан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этган. Мазкур тадбирлар сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этди. Уларда бизнес, экзотика, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соғломлаштириш каби йўналишларга оид ўнлаб турдаги бўлимлар иш олиб борди.

Франция ва Японияда ўтказилган нуфузли туризм форумларида Ўзбекистон миллий стенди ўзининг бетакрор дизайни билан кўргазмалар иштирокчилари ва меҳмонлари эътиборида бўлди. Унда ёрқин миллий матолар, мамлакатимизнинг гўзал масканлари тасвирлари, тарихий обидалар ёрдамида юртимизга хос муҳит яратилди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар, турли буклет ва нашрлар сайёҳлик ярмаркаси иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

"IFTM Top Resa – 2012" ҳамда "JATA Tourism Forum & Travel Showcase – 2012" халқаро сайёҳлик кўргазмаларида мамлакатимизнинг "Ўзбектуризм", "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбекистон темир йўллари", "Afsona Travel", "Orient Voyage", "Megatour", "Asiatour" ва бошқа компания ҳамда фирмалари иштирок этди.

"Ўзбектуризм" компаниясидан маълум қилишларича, ушбу халқаро кўргазмалар жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, икки ва кўп томонлама манфаатли шартномалар тузиш, туристик бизнес ривожининг тенденцияларини аниқлаш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берган.

**ЎзА.**

# БОЗОРЛАРДАГИ ЯНГИ ТАРТИБЛАР

**Ўзбекистон бозорларида савдо фаолиятини ташкил қилиш борасида янги тартиб-қоидалар таъсис этилди. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 августдаги 253-сонли қарорига асосан деҳқон бозорларида чорва моллари, парранда ва бошқа жониворлар ҳамда фойдаланилаётган мулкни сотиш бўйича амалдаги тартибларга ўзгартиш киритилди.**

Norma.uz портали маълумотларига кўра, мазкур ҳужжатни қабул қилишдан асосий мақсад келгусида мамлакатимиз бозорлари ва савдо мажмуаларини янада ривожлантириш, шу билан бир вақтда, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишдан иборатлиги билан аҳамиятлидир.

Белгиланган тартибларга кўра, республикамиз бозорлари савдо йўналиши ва бозор турига қараб маълум тартибда қулайлаштирилади. Жумладан, ҳар бир бозор атрофи чегараланган, ёруғ ва асфальт ётқизилган равон савдо майдончаларга эга бўлиши шарт. Бозорда махсус аравачалар юрадиган йўлкалар, тарозихона, маҳсулотларни сақлаш камералари ҳамда автомобиллар тўхташ жойлари бўлиши лозим. Бозорга кириш ва чиқиш эшиклари иш куни тугаши билан ёпилишини таъминлаш, пештоқида давлат тилида ёзилган иш тартиби, йўналиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилиши зарур. Бундан ташқари, бозор ҳудудидаги барча доимий ва мавсумий савдо павильонлари, расталари маълум тартибда рақамланган ҳамда ускуналар билан таъминланиши керак.

Бозор ҳудудида ҳужжатлаштирилган савдо нуқталаридан ташқари, янги савдо ўринларини ташкил этиш, шунингдек, турли машиналар ва контейнерларда маҳсулот келтириб сотиш тақиқланади.

**"Туркистон-пресс".**

ЧП "TOP BUILDING", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента (реестр. № 006002-09 от 18.05.12г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, Ц-13, д 35, кв 42, (ИНН 302305550), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

ООО "ZELYONNIY DVOR", зарегистрированное 10.04.2012г. за реестр. № 007406-10 хокимиятом Юнусабадского района , расположенное по адресу: Юнусабад-19, ул. Мухамедова, 23 сообщает о возобновлении своей деятельности (решение учредителя № 4 от 04.10.2012г.). В связи с возобновлением деятельности, ранее опубликованное объявление о ликвидации ООО "ZELYONNIY DVOR" в газете "Қишлоқ ҳаёти" от 05.07.2012г.,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный аттестат U № 044934, выданный в 1976 году школой № 94 Мирабадского (Ленинского) района г. Ташкента на имя Каргиной Елены Борисовны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом ИВ-I № 270597, выданный в 1982 году Ташкентским Фармацевтическим институтом на имя Шамырбековой Арзикан Кененовны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Чилонзор РЭС инженерии Р. Комиловга "Ипотекабанк" Меҳнат филиали томонидан берилган Ф-430 25 дона 0138176-200та квитанциялар йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный угловой штамп ООО "GIP-SALE" (ИНН 204356141), выданный Шайхантахурским хокимиятом г. Ташкента,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2012 йил 9 февралда 001141-02-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "DAMIR SANTEXNIKA PLYUS" хусусий корхонаси (ИНН 302200778) 2012 йил 3 октябрдаги 4-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Боғибаланд кўчаси, 20-уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: (+99893) 397-70-95.

МЧЖ шаклидаги "OYBEK SANKT" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасига тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЧП "RD BARAKA SAVDO", зарегистрированный ИРСП Сергелийского района г. Ташкента за реестр. № 002470-06 от 15.02.2010г. (ИНН 301499343, ОКПО 23204231, адрес: территория "Южная промзона") сообщает о своей реорганизации путем преобразования в ООО "BEST GOLD METAL INVEST".

ООО "BEST GOLD METAL INVEST" является правопреемником по всем правам и обязанностям ЧП "RD BARAKA SAVDO". Претензии принимаются по телефону: (+99894) 646-11-66 в течение трех месяцев.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган (СТИР 301186607) "BARAKA JO`JA SAVDO" масъулияти чекланган жамияти Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган (СТИР 302373950) "BARAKA JO`JA SAVDO BIZNES" МЧЖ таркибига тўлиқ бирлаштирилишини ва "BARAKA JO`JA SAVDO" МЧЖ давлат реестридан чиқарилишини маълум қилади. Тел.: 932-58-02.

ООО "RETAIL GROUP", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента № 005226-03 от 10.05.2011г. (ИНН 301984999) в соответствии с решением учредителей от 02.10.2012г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Афросиёб, дом 6, тел.: 185-50-40.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши жамоаси O`zLiDeP Чиноз туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари, Халқ депутатлари Чиноз туман Кенгаши депутати Пайзулла Тожикуловга волидаи муҳтарамаси

**Маҳбуба ая НУРМАТОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ART WEEK STYLE.UZ – 2012»

**"Олтин Гепард" иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми доирасида "Замонавий кино: макон, замон, қалб" мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда киношунос олимлар, экспертлар, режиссёрлар, продюсерлар, актёрлар, хорижий мутахассислар қатнашди.**

# ЗАМОН ВА МАКОН БИЛМАС САНЪАТ

"Олтин Гепард" иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми бош директори А. Ҳакимов, киношунос Н. Каримова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда санъатнинг барча турлари қатори кинематографияни ҳам ривожлантириш, киноижодкорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Ёш сценарийнавислар, актёр ва режиссёрларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш – доимий эътиборда.

Айниқса, ғоялар ўртасидаги кураш кескинлашаётган, "оммавий маданият"нинг турли зарарли таъсирлари ёшлар онги ва тафаккурига таҳдид солаётган бугунги мураккаб глобаллашув шароитида кино санъатини ривожлантириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини изчил давом эттириш ва бойитиш, замонавий билим ва миллий қадриятлар уйғунлигини теран англаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Бу соҳада халқаро ҳамкорлик кўламининг тобора кенгайиб бораётгани киноижодкорлар учун ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини яратмоқда. Ўзбек фильмлари кўплаб нуфузли фестиваллар ва халқаро кўрик-танловларда совринли ўринларга сазовор бўлаётгани миллий кино санъатимиз изчил ривожланиб бораётганининг далилидир.

– Ўзбек фильмлари миллий руҳ, юксак гуманизм ва халқнинг эзгу орзу-интилишларини ёрқин акс эттириши билан ғоят қадрли, – дейди хитойлик режиссёр Жо Мин Хуажи хоним. – Аслида ҳам замон ва макон оша инсон қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш кино санъатининг бирламчи ва асосий мақсадидир. Бу ёшлар тарбиясида ҳам катта аҳамиятга эга.

– "Олтин Гепард" иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми ташкилий, бадиий жиҳатдан кўтаринки руҳ ва юқори савияда ўтмоқда, – дейди америкалик режиссёр Тейлор Кеннеди. – Кинофорум доирасидаги тадбирларнинг аксарият иштирокчилари – талаба-ёшлар. Бу Ўзбекистон ёшлар мамлакати эканидан далолатдир. Айни пайтда йигит-қизларнинг фаоллиги, кино соҳасига оид янгиликларни ўрганишга иштиёқмандлиги ўзбек кино санъатининг порлоқ келажагига ишонч уйғотади.

Анжуманда Ўзбекистон ва жаҳон кинематографиясидаги бугунги ижодий жараёнлар, соҳадаги ҳамкорликнинг янги истиқболларига оид маърузалар тингланди ва атрофлича муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

# МЕНГА ОҚ ЙЎЛ ТИЛАНГ

Гулсара ён қўшнимиз Султонмуроднинг ўртанча қизи. У бизнинг ҳам қизимиз. Шундай деб айтишга маънан ҳақлимиз. Чунки, Султонмуроднинг ҳамма ўғил-қизлари бизнинг ҳовлимизда болаларимиз билан бирга ўйнаб, улғайишган. Аёлимни опоқи деб чақиришади. Мени катта дада дейишади. Гулсара энди тетапоя қила бошлаганида аяси Шоҳсанам уни етаклаб, бизникига олиб чиққан.

– Опоқиси, шугина энди сизнинг қизингиз бўлди, кўз қирингизни ташлаб турасизда. Ишхонадан мени шошилинч чақиряптилар...

Гулсара боғчага бормади, йўл олис эди. Опоқисига ўрганди. Ундан боғча тарбиясини олди. Кейинчалик болаларимиз қатори Гулсара ҳам мактабга қатнади.

Мактаб даври баҳор момақалдироғидек ўтди-кетди. Ўғил-қизларимиз бўй кўрсатиб қолишди. Қизларимизга узоқ-яқиндан совчилар кела бошлади. Шулар қаторида Гулсарага ҳам.

Гулсара бошқа дунё экан. Икки уй аҳлини сел қилиб йиғлатди. Ота уйни тарк этишга саноқли дақиқалар қолганида, ходима аёл доирасини чертиб, ёр-ёрни авж пардага чиқарган пайтда Гулсара оппоқ келинлик либосида қўшни хонадонга – опоқиси ёнига югурди. Эшиклар ланг очилди. Ҳувуллаб қолаётган уй бирдан тўлиб кетди:

– Опоқижон, менга оқ фотиҳа беринг!

Гулсаранинг кўзёшлари табиий гўзал чеҳрасини юваркан, қолган сўзини аранг айтолди: "Сизни энди жуда-жуда соғинаман..."

– Оҳ, болам-а. Ўзга уйга бормоқлик қиз боланинг қисмати-да. Сен қутлуғ уйга покиза ният билан қадам босмоқдасан. Сенга ишонаман. Бахтли, тахтли оила бекаси бўласан...

Шу аснода бу воқеанинг шоҳиди бўлган тўй иштирокчиларининг, ёру биродарларнинг кўзларида ёш ҳалқаланди, юзларида эса қуни-қўшнилар ўртасидаги бу мустаҳкам меҳр-оқибат ришталаридан ҳавас ва ифтихор туйғулари барқ уриб турарди...

**Собиржон ИНОМОВ.**

XXI аср ва ДУНЁ

## СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ҲИБСДА

**The Philippine Star газетаси полиция вакили Жоэл Коронел берган маълумотга таяниб, Филиппиннинг собиқ президенти Глория Макапагал-Арройо пул ўмаришда айбланиб, қамоққа олингани ҳақида хабар қилди.**



У Филиппин тотализаторлар хайрия офиси давлат фондидан маблағ ўғирлашда айбланмоқда. Терговчилар қўлидаги маълумотларга қараганда, Макапагал-Арройо офис ҳисоб рақамидан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун 8,8 миллион долларни сарфлаб юборганини маълум қилди BBC News.

Қамоққа олиш тўғрисидаги ордер собиқ президентга у даволанаётган Кесон-Сити тиббиёт марказида топширилди. Терговчилар врачларнинг беморни қамоқхонага кўчириб олиб ўтиш унинг саломатлиги учун хавфли экани ҳақидаги фикрларини инобатга олиб, шифохонада қолдиришга розилик билдирдилар. Энди собиқ президент қўриқчилар назорати остида даволанмоқда.

Макапагал-Арройонинг ўзи унга юклатилаётган барча айбларни инкор этмоқда. Унинг фикрича, бу жиноий ишларни амалдаги президент Бениньо Акино ундан ўч олиш мақсадида атайлаб уюштираяпти. Агар собиқ президентнинг айблари қонуний тасдиғини топса, уни умрбод қамоқ жазоси кутмоқда.

## БОМБА БУЮРТМАЧИСИ ҚЎЛГА ТУШДИ

**Испания полицияси Пальма-де-Майорка шаҳридаги университет шаҳарчасида кучли бомбани портлатишга уринган 21 ёшли йигитни қўлга олгани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.**

Қўпорувчидан 140 килограмм портловчи модда тортиб олинди. Шунингдек, унинг ёнидан кундалик дафтар топилди. CNN телеканалининг маълум қилишича, қўпорувчи (унинг исм-шарифи эълон қилинмаяпти) кундаликларида жамиятдан нафратланишини баён этиб, Балеар ороллари университетида қирғинбарот уюштиришга оид тузган режаларини келтирган. Жумладан, университет шаҳарчасида жароҳатлантирувчи воситалар жойланган бомбани портлатмоқчи бўлган.

BBC Newsнинг хабарига кўра, ҳибсга олинган испан йигит америкалик Эрик Харрис ва Дилан Клиболддан ўрнак олган. Улар 1999 йилда "Колумбайн" мактабида қўпорувчилик уюштириб, 12 кишини ўлдирган ва 23 кишига жароҳат етказган эдилар. Испаниялик қўпорувчи бу қотиллик юзасидан интернетда хайрихоҳлик билан фикр билдирган. Айнан шу сабабли полициянинг эътиборига тушиб қолди ва уни беш ой давомида зимдан кузатишди.

Аввалига испаниялик ўқ отиш қуроли сотиб олмоқчи бўлган, деб ёзади BBC. Аммо кейин портловчи модда харид қилиш фикрига келган. Бомба учун керакли воситаларни эса интернет орқали буюртма қилган. Полиция уни айнан шу буюртмасини олаётган пайтида қўлга туширди.




БУ – ҚИЗИҚ

### *Тежамкорлик – тараққиёт омили*

**Швециядаги Халқаро сув институти (SIWI) олимларининг таъкидлашича, 2050 йилга бориб инсониятнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи ҳозиргидан икки баробар ортади. Бу даврда сайёрамиз аҳолисининг сони эса тўққиз миллиарддан ошиши кутилмоқда.**

Мутахассисларнинг фикрича, озиқ-овқат танқислигининг олдини олиш учун 2050 йилгача сайёрамиз аҳолисининг қарийб барчаси вегетарианча овқатланиш тартибига ўтиши, сув ресурсларини тежаши лозим. Боиси гўшт маҳсулотларини тайёрлаш мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришдан кўра ўн баравар кўпроқ сув талаб қилади.

Маълумотларга кўра, дунёдаги сув ресурсларининг етмиш фоизи қишлоқ хўжалигида ишлатилади. Сув ресурслари танқислиги озиқ-овқат, жумладан, гўшт етишмаслигига олиб келади. Сувни тежаш орқали эса ҳосилдорликни оширишга эришиш мумкин.

### *Увол қилманг!*

**Европа Иттифоқи аҳолиси чиқиндига ташлаб юбораётган озиқ-овқат маҳсулотлари йилига 89 миллион тоннадан ошмоқда, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Ушбу кўрсаткич киши бошига 179 килограммга тўғри келмоқда.**

Ачинарлиси, чиқиндига айланадиган маҳсулотларнинг олтмиш фоизи ҳали айнимаган, яъни истеъмолга яроқли маҳсулотлардир. Увол бўлаётган маҳсулотларнинг 42 фоизи одамлар, 39 фоизи ишлаб чиқарувчилар, 14 фоизи кафе ва ресторанлар ва 5 фоизи чакана савдо билан шуғулланувчилар ҳиссасига тўғри келмоқда.

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича мутахассисларининг маълум қилишича, европаликлар увол қилаётган маҳсулотлар ҳажми йил сайин ортмоқда. Агар бирор чора кўрилмаса, 2020 йилга бориб чиқиндига айланаётган маҳсулотлар ҳажми йилига 126 миллион тоннага етади.

**ЎзА.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ДИПЛОМФУРУШЛАР

Агар шифокор хато қилса, қаттол деймиз. Чунки инсон ҳаёти азиз. Унга қасд қилиш эса оғир жиноят.

Бироқ шундай жиноятлар ҳам бўлар эканки, у тафаккуру маънавиятимизга, онгу-шууримизга чанг солмоқда. Шу йилнинг аввалида ўтказилган халқаро форумда бутун дунё бизнинг таълим тизимимизга тан берди. Ёшларга билим бериш, уларнинг касб-ҳунар эгаллашлари учун бор имкониятлар яратилаётгани билан фахрлансак арзийди. Бироқ...

Бўстонлиқ қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежига кўп йиллар раҳбарлик қилган Турғунбой Турдиқулов ҳамда Ханифа Нурбоева нима бўлди-ю, шайтон йўлдан оздирдими ёки бошқа сабабми, ҳар иккиси ҳам жиноятга қўл урди. Ёшларимизнинг замонавий ўқув даргоҳларида билим олишлари учун ҳамма шароитлар яратилса-ю, кимдир ундан ғаразли мақсадларда фойдаланса! Ахир ота-она шу умидда фарзандларини ўқув даргоҳига етаклаб борадими? Ўқиган ҳам, коллежнинг остонасидан ҳатламай, ўқимай ҳам дипломга эга бўлса! Ўқиган бола саволларингга бийрон-бийрон жавоб берса-ю, "ҳомий" акахону опахонидан дипломни сотиб олгани исмини ҳам хатосиз ёзолмаса!

2010 йил июль ойида коллежнинг яқинига ҳам йўламаган Қурол Муродов қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори Т. Турдиқуловдан "Автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва аэродромлар қурилиши" мутахассислиги бўйича диплом қилиб беришни сўради. Коллеж директори учун бу хизмат мавқеидан фойдаланиб, "бир нарса"лик бўлиб қолиш имконини берадиган тайёр таклиф эди. Хуллас таъмагирлик эвазига сохта диплом бунёдга келди. Қ. Муродов 100.000 сўм пора бериб, дипломли бўлди.

Т. Турдиқулов Х. Нурбоевага бор ҳужжатлардан Қ. Муродов номига диплом тайёрлаб беришни буюрди. Ҳожатбарор Х. Нурбоева ўзида сақлаб келаётган К № 1819985 рақамли 2010 йил 21 июнь куни ёзилган дипломни расмийлаштириб берди. Т. Турдиқулов ва Х. Нурбоева Қ. Муродов коллежнинг "Автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва аэродромлар қурилиши" мутахассислиги бўйича битиргани тўғрисида "Дипломларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларга топширишни қайд қилиш" китобининг 75-тартиб рақамидаги жадвалга унинг исм-шарифини битиб қўйдилар.

Коллежда 1988 йилдан 2001 йилга қадар ишлаб чиқариш таълими устаси бўлиб ишлаган Ғайрат Эргашев Т. Турдиқуловдан ўғли К. Медетов номига коллежни битиргани тўғрисида диплом қилиб беришни илтимос қилди. Т. Турдиқулов "агар чойхонада меҳмондорчилик қилиб берса" рози бўлишини айтди.

Шундай қилиб, яна бир дипломли "мутахассис" ясалди. Х. Нурбоевадаги тўлдирилмаган диплом бланкалари фуқаро К. Медетов номига расмийлаштирилди. К № 1820087-рақамли, 2010 йил 29 июнь кунида ёзилган диплом туғилди. Бироқ бу дипломлар туғилаётганда, ҳеч кимнинг виждони оғримади, шунинг учун дипломлар туғилаверди. Х. Нурбоева эса ҳеч қийналмай, қалбаки дипломларни ясайверди. Ҳатто, кейинги пайтларда бошлиққа айтмай, диплом ёзишнинг антиқа йўлларию "роҳатбахш" усулларини ўйлаб топаверди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Рушана Мўминова 2007 йил август ойида коллежнинг "Компьютер тармоқлари" мутахассислиги бўйича ўқишга кириш учун ҳужжат топширганида Т. Турдиқулов коллеж директори, Ханифа Нурбоева унинг ўринбосари бўлиб ишлагани ҳақида кўрсатма берди. Ўқишга қабул қилинган қиз бир йил 39-гуруҳда ўқиди. Гуруҳга эса Абдурашид Усмонов раҳбарлик қилар эди. Кейинги йили қиз оилавий шароити оғирлашиб қолгач, ўқишга бормай қўйди. 2-3-курсларда умуман ўқимади. Ғазалкент шаҳридаги хусусий нотариал идорада котиба бўлиб ишлади. 2010 йил август ойида у билан бирга коллежга ўқишга кирганлар диплом олганларини эшитгач, дилида бир иштиёқ сезди ва диплом олишга ҳаракат бошлади. Унга Нурбоеванинг манзилини беришди. Рушана Нурбоевага ўз дардини айтиб, ўқишга тиклашларини сўради. Бунинг эвазига эса у 300.000 сўм беришини айтди. Ваъдага вафо қилган директор ўринбосари ўз хизмат хонасида Мўминовадан 300000 сўм олди-ю, дипломни иловалари билан "талаба" қизга топширди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Дурдонахон Нўъмонхўжаева 2008 йилда Чирчиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежининг "мактабгача таълим" мутахассислиги бўйича ўқишга кирди. 1-курсни тугатгач, дарсга бормай қўйди. Ўқишдан четлаштирилган қиз умуман ўқимади. Бироқ... 2011 йилда отаси Акром билан Қозоғистон Республикаси, Чимкент шаҳрига бориб тикув цехида ишламоқчи бўлганида коллежнинг дипломи керак бўлиб қолди.

Табиийки, Дурдона ҳам диплом сари йўл излаб, Х. Нурбоеванинг уйига келди. Диплом Қозоғистонда ишлаш учун керак бўлаётганини эшитгач, рози бўлди. Келишувга кўра, диплом 600 000 сўмга битди. Аммо бу сафар Х. Нурбоева диплом учун олган пулларини манзилига етказа олмади. МХХ ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинди ва дипломфурушларнинг ножўя хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Т. Турдиқулов ҳамда Х. Нурбоева жиноий хатти-ҳаракатлари учун узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилишди.

Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, сохта диплом тайёрлаб сотганларгина айбдорми? Пора таклиф қилганларчи? Агар бу фаолиятга вақтида чек қўйилмаганда, ким билсин, яна қанчадан-қанча одамлар "Бемалол диплом сотиб олса бўлади, ўқиш шарт эмас" деган хулосага келган бўлар эдилар. Биз эса биринчи навбатда ўқиш ва яна ўқиш шарт эканлигини таъкидлаймиз. Токи орамизда сохта мутахассисларга ўрин қолмасин.

**И. ОБИДОВ,**
**жиноят ишлари буйича Бўстонлиқ туман суди раиси.**

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТ



## Банан ва исмалоқ

*Италиялик олимларнинг айтишича, кунига уч дона истеъмол қилинган банан меваси саратон ва инсульт хасталигига чалинишининг олдини олади. Бундан ташқари, калий моддасига бой мазкур мева қон босими юқори беморлар учун ҳам жуда фойдали экан.*

*Аммо диетологлар бананнинг калорияга энг бой бўлган мева эканини унутмасликни маслаҳат бермоқда. Уларнинг айтишича, банан ўрнини, шунингдек, исмалоқ, ёнғоқ, сут, балиқ, ясмиқ каби ўсимлик ва маҳсулотлар босиши мумкин.*

**ЎзА.**

РАССОМ ХАНДАСИ




НИГОҲ

# АФҒОНЛАР ЧИРОҒДА, ТОЖИКЛАР ФИРОҒДА

**Ҳозир Тожикистон дунёдаги шундай камёб мамлакатлардан бирики, олис туманлар аҳолиси президентларининг чиқишларини интиқлик билан кутади. Негаки, бундай пайтда ҳамма қўрғону овулларга электр қуввати берилиб, уяли телефонларни қувватлантириб олиш, овқат пишириш ва уй ичини бироз иситиш имкони туғилади.**



Аммо, шуниси борки, Имомали Раҳмоннинг чиқишлари кўпдан бери одамларда қаҳр-ғазаб уйғотадиган бўлиб қолди. Масалан, Наврўз байрами арафасида президент бу йил қўшни Афғонистонга 700 мегаватт электр қуввати етказиб берилишини айтиб, ватандошларини "қувонтирган" эди. Албатта, кўп оғирликларни бошдан кечирган жафокаш афғон халқига ҳамманинг ҳам ёрдам бергиси келади. Лекин бу тожик халқининг яна азият чекиши ҳисобига бўлмаслиги керакда ахир.

Бизнинг мамлакатда аҳоли истиқомат жойларини электр қуввати билан таъминлаш йилдан йилга оғирлашиб бораяпти. Доимий узилиш-уланишлар, охири кўринмайдиган "профилактика ишлари" шунга олиб келаяптики, айрим туманларга бир кеча-кундузда бор-йўғи икки-уч соат электр қуввати берилади. Шуниси кулгилики, Сангтўда ГЭС-2нинг биринчи агрегати ишга туширилиши, ҳамда бутун мамлакат бўйлаб 100 га яқин майда ГЭСлар фойдаланишга топширилгани муносабати билан 2011 йилдан бошлаб электр таъминоти чидаб бўлмас даражага келди. Аҳоли фақат эски печка ва мол тезаги ҳисобига қишдан аранг чиқди.

1989 йилда Тожикистонда 20 миллиард кВт/с. электр қуввати ишлаб чиқарилди. У ҳаммага етган эди. Ҳозир эса 14-15 миллиардлар тилга олинаяпти-ю, бироқ кўплаб корхоналарнинг ишламаётгани ҳақида лом-мим дейилмаяпти. Бинобарин, электр қуввати ошиб-тошиб ётгани ҳақида гап бориши керак.

Журналистлар 2012 йилнинг февралидаги электр тақсимоти маълумотлари келтирилган ҳужжатни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Унга бош вазир Оқил Оқиловнинг ўзи имзо чеккан. Жадвалдан кўриниб турибдики, барча минтақалар 2011 йилнинг шу ойидагидан икки баравар кам электр қувват олган. Шу билан бир вақтда Афғонистонга экспорт қилинган электр қуввати қарийб уч баравар ошган!

Афғонларнинг омади келганидан қувониб, савол берайлик: "Нега бизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириб, даромадимизни ошириш имконияти йўқ?" Жавоб эса тайёр: "Негаки, бизда электр қувватини чет элга сотиш қудратли коррупция ҳамда амалдорларнинг ўғрилиги воситасида бошқарилади".

Энергетика соҳаси бўйича эксперт Ғуломиддин Сайфиддиновнинг асосли хулосасига кўра, энергетика соҳасидаги ўғрилик жуда катта. Ҳар йили 5,5 миллиард кВт/с. ёки ишлаб чиқарилган электр қувватининг учдан бири шунчаки, "йўқотилади". Боз устига барча "зарар"лар (қайсики, амалда электр тармоғи амалдорларининг ҳамда уларга паноҳлик қилаётган юқори табақалардагиларнинг "даромад"ига айланади) аҳолини очиқдан-очиқ талаш ҳисобига қопланади. Шу йил 1 апрелдан электр энергиясига янги тариф жорий этилди. Энди аҳоли учун 1 кВт/с. электр қуввати, қўшимча қиймат солиғи билан 11 дирам бўлди. Бу олдинги тарифдан 20 фоиздан зиёд юқори.

70 фоизи қашшоқликда яшаётган мамлакат аҳолисини талаш мухолифатчи кучларни ғазаблантирмоқда. Тожикистон ислом уйғониш партиясининг Сиёсий кенгаши ҳукуматнинг ушбу қарори муносабати билан шошилинч мажлис ўтказди. Мажлис баёнотида таъкидланадики, электр қуввати таърифининг оширилгани республика аҳолиси турмуш даражасига салбий таъсир ўтказади. Тожик каммунистлар етакчиси Шоди Шабдолов журналистлар учун матбуот конференцияси чақириб, ҳукумат қарорини танқид қилди.

Тожикистон демократик партияси раиси Маъсуд Собиров: "Бизнинг мамлакатимиз Халқаро валюта фондининг тутқунига айланган ва у нимани тавсия қилса, ҳукуматдагилар ўшани бажаришга мажбурлар" деб ҳисоблайди.

Ҳамонки, бизнинг "қўлга ўргатилган, хонаки" мухолифат ҳам ҳукуматга "гап қайтараётган" экан, оддий фуқаролар ҳукмдорларимизни қандай бўралаб ҳақоратлашаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Афтидан, Имомали Раҳмоннинг ёрдамчилари "Суқлик хўрлик келтиради" деган нақлни унутиб қўйишган кўринади. Шунингдек, қўшни Қирғизистондаги сўнгги инқилоб коммунал хизматлар тарифи оширилгани сабабли юз берган эди. Ҳозир бизнинг мамлакатдаги аҳвол ҳам таранглашиб бораяпти. Халқнинг сабр косаси тўлган. Ҳаводан "араб баҳори"нинг ҳиди келаяпти.

**tjknews.com.**

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 30.07.2012 йилда № 006756-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SADOQAT-OMAD" масъулияти чекланган жамияти ўзини ўзи тугатишини эълон қилади.

Тошкент Давлат автомобиль йўллари институти томонидан 2005 йилда Тожиев Зафар Саматович номига берилган В № 145873 (рег. № 170) рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган 09.06.2011 йилда гувоҳнома рақами 005666 билан рўйхатдан ўтган "GOOD NET BUSINESS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный гос.ордер № 03-01/9661 от 16.11.2006г. права собственности на квартиру на имя Матхаликова Одила Расуловича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Чилонзор туманида рўйхатга олинган "ULKAN INVEST LOYIHA" масъулияти чекланган жамияти, Миробод туманида рўйхатга олинган "SAVDOLOYIHA" масъулияти чекланган жамиятига бирлашиб кетишини маълум қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1042. Адади 6906. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 12345